

ЎЗБЕКИСТОН ЖАНУБИЙ ВОҶАЛАРИ АҶОЛИСИНИНГ ИЖТИМОИЙ ТУМУШ ТАРЗИДАГИ МУАММОЛАР (1925- 1941ЙЙ.)

Хусан Эшмўминович ХОЛМУМИНОВ

Тарих фанлари номводи, доцент

Термиз давлат университети

Термиз, Ўзбекистон

Аннотация

Ушбу мақолада Ўзбекистон ва унинг жанубий ҳудудларида аҳолини кўчириш сиёсати ва бунинг аҳоли демографик жараёнларига таъсири ва ўзига хос муаммолар масалалари ёритилган. Шунингдек, кўчирилган аҳоли хўжаликларининг ижтимоий турмуш тарзидаги муаммолар ва уларни хал этиш борасида ҳукумат томонидан амалга оширилган чора-тадбирлар масалалари ёритилган.

Таянч сўзлар: аҳоли демографияси, миграцион жараёнлар, урбанизация жараёнлари, демография, аҳоли ижтимоий турмуш тарзи, кўчирилган аҳоли хўжаликларнинг ижтимоий ҳолати, кўчирилган хўжаликларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш тиббий хизмат, маданий-маънавий турмуш тарзидаги муаммолар.

ПРОБЛЕМЫ В СОЦИАЛЬНОМ ОБРАЗЕ ЖИЗНИ НАСЕЛЕНИЯ ЮЖНЫХ ОБЛАСТЕЙ УЗБЕКИСТАНА (1925- 1941ГГ.)

Хусан Эшмўминович ХОЛМУМИНОВ

Кандидат исторических наук, доцент

Термезский

государственный университет

Термез, Узбекистан

Аннотация

В настоящей статье освещаются вопросы миграционной политики населения Узбекистана и его южных областей, а также их влияние на демографические процессы населения, своеобразные проблемы в этой сфере. Вместе с тем анализируются проблемы в социальной жизни перемещённых домохозяйств и принимаемые правительством меры по их решению.

Ключевые слова: демография населения, миграционные процессы, процессы урбанизации, демография, социальный образ жизни населения, социальное положение перемещённого населения, оказание социальной помощи перемещённому населению, медицинские услуги, проблемы в культурной жизни.

Ўзбекистонда собиқ совет ҳукумати давридаги демографик жараёнлар

ҳамда аҳоли миграцияси масаласини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар шундан далолат берадики, бу даврда аҳоли демографик жараёнларида ўзига хос кўлаб муаммолар мавжуд бўлган. Шунингдек, бу даврдаги аҳоли миграция жараёнлари ҳам ўзига хос тарзда қуйидаги даврларга бўлиб ўрганилган.

Биринчи давр. 1926- 1928 йилларни ўз ичига қамраб олади. Бу даврдаги миграция жараёнларида аҳолининг ўзлари яшайдиган ҳудудлардаги ички миграцияси ҳамда кўчириш жараёнларининг ҳуқуқий меъёрий асослари ишлаб чиқарилиши даври.

Иккинчи давр. 1928- 1932 йилларни ўз ичига олиб бу даврда ҳар бир республикадаги округлараро ва республика ташқарисига оммавий равишда аҳолини кўчиришишлари амалга оширилган.

Учинчи давр. 1932- 1941 йилларни ўз ичига олиб, аҳолининг ички миграция жараёнлари амалга оширилган даврларни ўз ичига олган [2; 30].

Ўзбекистонда 1925- – 1946 йиллардаги аҳолининг ижтимоий демографик жараёнлари, миграцион жараёнлар масалалари турли талқин этилиб, бу даврда аҳолини кўчириш ишлари асосан республика ичкарисида амалга оширилган жараёнлар билан бевосита боғлиқ ҳисобланади. Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш борасида амалга оширилган тадбирлар асосан қуйидаги мақсадларга эришиш учун қаратилган эди: *биринчидан*, тез суръатлар билан ортиб бораётган меҳнат ресурсларидан кенгроқ фойдаланиш йўли билан республика қишлоқ хўжалигида хомашё ишлаб чиқаришни кўпайтириш *иккинчидан*, Ўзбекистонни совет ҳукумати пахтачилигининг асосий базаси сифатида ҳиссасини ошириш *учинчидан*, қишлоқ хўжалиги (пахтачилик)га хизмат қиладиган машинасозлик саноатини ривожлантириш ва кенгайтиришдан иборат бўлган [4; 30].

Бу даврда Ўзбекистон аҳолисининг ижтимоий демографик турмуш даражасини яхшилаш борасида ҳам жиддий камчиликлар мавжуд эди [9; 30]. 1926 йилги собиқ Бутуниттифоқ аҳоли рўйхатининг кўрсатишича, ўша даврда ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида 4 миллион 447 минг 555 киши истиқомат қилган. Аҳолини рўйхатга олиш маълумотларидан маълумки, бу даврда аҳолининг

этнодемографик таркиби хилма-хил эканлигини ҳам кўрсатади. Айнан шу даврда мамлакатимиздан 65 дан ортиқ турли миллат, элат ва халқ вакиллари истиқомат қилиб, аҳолининг асосий миллий таркибида ўзбекларнинг сони салкам 3,5 миллион кишини ташкил этган [14;9].

Ўзбекистон жанубий воҳаларидаги шу даврдаги аҳоли ижтимоий турмуш даражасида кўплаб муаммоли ҳолатлар мавжуд эди. Сурхондарё воҳасида тадқиқ этилаётган давр мобайнида соғлиқни сақлаш ва тиббий хизмат кўрсатиш аҳолига ижтимоий жиҳатдан ёрдам кўрсатиш жуда ночор ҳолатда бўлган. Бу даврдаги асосий эътибор қишлоқ хўжалигини ўз манфаатларига мос тарзда ислоҳ қилиш миллий тараққиётни йўққа чиқариб, иқтисодий соҳани тиклашга қаратган эди. Аҳолининг ижтимоий турмуш жараёнларида тиббий соҳага жуда катта талаблар мавжуд бўлишига қарамай, ҳукумат томонидан касалхоналарни кўпроқ ташкил этиш ҳамда тиббиёт соҳасини ривожлантириш ишларига етарлича эътибор қаратилмади. Аксарият ҳолатларда эса мавжуд шифохоналар ҳарбийлар учун ташкил этилган бўлиб, бу барча аҳоли вакиллари талабларини тўла таъминлашимконини бермас эди [11;78].

Бу даврда ҳукумат томонидан иқтисодий соҳаларни ривожлантириш шунингдек, қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш масалаларига асосий эътибор қаратила бошланди. Жумладан, Сурхондарёда пахта яккаҳокимлигини ўрнатиш учун ҳамма имкониятлар ишга солинди. Шу жумладан, янги ўзлаштирилаётган пахтачилик районларига вилоятнинг тоғли ҳудудлари ҳамда Фарғона водийсидан пахтакор «уста»ларини кўчириб келиш сиёсати қўлланилди [10;23]. Совет ҳокимияти йилларида амалга оширилган кўп сонли оммавий тадбирлардан бири – аҳолини кўчириш сиёсати бўлиб, ушбу сиёсат режали ва ташкилий асосда, муҳим тамойиллар ва мақсадларга йўналтирилган ҳолда ўтказилган. Кўчириш сиёсатидан кўзланган асосий мақсад – СССР пахта мустақиллигини таъминлаш кўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш демографик муаммоларни ҳал қилиш “ пахтачилик тажрибаси” ни ёйиш шу асосда мамлакат иқтисодий салоҳиятини кўтариш каби омиллар бўлган [6;44]. Шунини алоҳида қайд этиш лозимки, ўша даврда Ўзбекистоннинг бошқа вилоятлари, хусусан,

Фарғона водийсидан Сурхон воҳасига аҳоли кўчириб келтирилди. Кўчиб келганлар Термиз атрофи, Денов ҳамда Сариосиё туманларига жойлаштирилди. Фарғона аҳолисини бу жойларга кўчириб келтиришда маълум иқтисодий ва сиёсий мақсадларни назарда тутганлар [12;175]. Энг асосийси, Сурхон воҳасининг аксарият маҳаллий аҳолиси чорвачилик билан шуғулланар, деҳқончилик бу ерда водийдагичалик юқори даражада ривожланмаган эди. Кўчиб келганлар ўзлари билан бирга илғор деҳқончилик маданиятини ҳам олиб келдилар, чунки, деҳқончиликнинг айрим экин турларини етиштиришда Фарғона водийси деҳқонлари анча миришкор эдилар. Сурхон воҳаси деҳқонлари асосан бошқоқ дон экинлари, хусусан, буғдой, арпа, шол, мош тарик, маккажўхори, ловия полиз экинларидан эса қовун, тарвуз, қовоқ, сабзи, пиёз етиштирганлар. Шунингдек, асосан тоғ ён бағирларидаги салқин ерларда ёғ ишлаб чиқариш учун кунжут, зиғир каби экин турларини экканлар. Кўпгина қолган деҳқончилик экинлари водийдан воҳага кириб келган эди.

Тадқиқ этилаётган йилларда Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларидаги ички миграция жараёнларида асосан янги ўзлаштирилган ерларга аҳоли хўжаликларини кўчириш ишлари ҳам амалга оширилган. Жумладан, 1949 йил 3 мартда Шеробод туман ижроия кўмитасининг мажлиси бўлиб, унда “Таллимарон” массивини ўзлаштириш ҳақидаги қарорга биноан тоғ ҳудудидаги Қизил олма, Лайлогон, Шержон, Зарабоғ, Қорабоғ қишлоқларидан аҳоли янги ўзлаштирилган ерларга кўчирилди. Сурхондарё вилоятида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш мақсадида қўриқ ерларни ўзлаштириш ишлари жадал олиб борилди. 1949-50 йилларда Занг каналининг тармоғи ишга туширилди. Чўлқуварлар узунлиги 18 км бўлган бу канални қазиб ва сув чиқариш ишларини жадал олиб бордилар, 90 кундан сўнг бу канал қўл кучи билан қазиб тугатилди. Фарғона аҳолисини бу жойларга кўчириб келтиришда маълум иқтисодий ва сиёсий мақсадларни назарда тутганлар [5;27]. Натижада қўшимча 7,5 минг гектар ер ўзлаштирилди. 1954-57 йилларда Занг канали Бешқўтон массивигача узайтирилди ва 3,8 минг гектар ерни қишлоқ хўжалиги заҳирасига киритиш имконини берди. Фарғона аҳолисини бу жойларга кўчириб

келтиришда маълум иқтисодий ва сиёсий мақсадларни назарда тутганлар [1;14]. 1953 йилда Сурхон дарёсини бевосита экин майдонларига буриш борасида анча ишлар қилинди. 85 млн. куб.м ҳажмдаги Учқизил сув омбори қурилди. У Жданов, Намуна колхозлари ва Термиз шаҳрини сув билан таъминлаш имконини [7;5]. Сув чиқарилган янги ерларда пахта экиш ишлари, дастлаб 1949 йилнинг баҳорида Шеробод чўлларидида амалга оширилди. Шундан сўнг “Шеробод чўлларини ўзлаштириб, пахтазорларга айлантирамиз”, деган қақриққа асосан, 1950 йилнинг март ойида Хўжанқо қишлоқ аҳолиси ёппасига мажбурий тарзда Ангор район “Таллимарон” массивига биринчилардан бўлиб кўчирилди Фарғона аҳолисини бу жойларга кўчириб келтиришда маълум иқтисодий ва сиёсий мақсадларни назарда тутганлар [3;28].

1954 йили Шеробод- Бешқўтон чўлини ўзлаштириш ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш мақсадида Бойсун, Дарбанд, Хўжабўлғон, Мачай қишлоқлари аҳолиси кўчирилди. Жумладан, ўша йили Дарбанд қишлоғидан 150 та хўжалик Гагарин (ҳозирги Музрабод) туманига кўчириб келтирилган бўлса, 1955 йил 14 март куни Бойсундаги “Янгиобод” қишлоқ кенгашига қаршли “Г.Дмитров” жамоа хўжалиги аъзоларининг умумий йиғилиши қарорига асосан 100 хўжалик (400 киши) Бешқўтон массивига, 1955 йил 5 апрелда “Сайроб” қишлоқ кенгаши, “Ворошилов” жамоа хўжалигидан 100 хўжалик, шу йилнинг 21 июнида яна 57 та оила (372 киши) Бешқўтон массивига кўчирилди [8;3].

Кўчирилган аҳоли хўжаликларини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш уларга маиший ва тиббий хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳаларда хизмат кўрсатиш ишлари талаб даражасида бўлмаган. Мавжуд шарт-шароитлар эса барча аҳоли вакилларининг талабларини тўла таъминлаш имконини бермаган. Натижада кўплаб аҳоли хўжаликларининг ўзлари яшаган ҳудудларга қайтиб кетиш ҳолатлари мавжуд бўлган. Шунингдек, кўчириб келтирилган аҳоли хўжаликларининг қониқарсиз турмуш шароити, иссиқ иқлим уларнинг кўпчилигининг соғлигига жиддий таъсир кўрсатиб, бундай ҳолат зарур дори-дармонларнинг етишмаслиги шароитида турли юқумли

касалликларнинг кўпайиши, баъзан эса ўлим ҳолатларининг содир бўлиши, меҳнатга лаёқатсиз аҳоли сони ошишига сабаб бўлган [13;98].

Хулоса ўрнида таъкидлаш керакки, тадқиқ этилаётган даврда амалга оширилган кўчириш ишларида аҳоли хўжалиklarининг ижтимоий турмуш даражасида кўплаб муаммоларнинг мавжудлиги уларнинг демографик ҳолатларига таъсир этган. Шунга қарамай, ички ва ташқи миграция жараёнларида ишгирок этган аҳоли хўжалиklари ўзларининг меҳнат намуналарини намойиш этиб пахта етиштиришни авж олдириш ҳамда янги ерларни ўзлаштиришда ўз ҳиссаларини қўшдилар.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Бобоев М. Хўжанқолик шифокор. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2004. – 202 б.
2. Ботирова Б.Н. Ўзбекистонда ўтказилган советларнинг аҳолини кўчириш сиёсати (1926- 1941 йиллар): тар.фан.номводи илм.дара.олиш учун тақдим этилган дисс.автореф. – Тошкент, 2010. – 30 б.
3. Лапасов А. Истиқлол йўли: Ангор. – Термиз: Жайхун, 1992. – 62 б.
4. Муллажонов И.Р. Ўзбекистон аҳолисининг миграцион алоқалари. – Тошкент: Ўзбекистон КГМК бирлашган нашр, 1967. – 169 б.
5. Мирзаев З., Қобилов Э. Сурхондарё пахтачилик ва Термиз пахта тозалаш заводи тарихи. – Термиз: Жайхун, 1996. – 69 б.
6. Салимов Х. Ўзбекистон ССРнинг аҳолиси. – Тошкент: Ўзбекистон КГМК бирлашган нашр, 1964. – 44 б.
7. Сурхондарё вилояти ДА. 474- фонд, 1- рўйхат, 6- иш 13- 14- варақ.
8. Сурхондарё вилояти ДА. 474- фонд, 1- рўйхат, 6- иш 3- варақ.
9. Турсунов С.Н, Қобилов Э.О. ва бошқалар. Сурхондарё тарихи.– Тошкент: Шарқ, 2004. – 204 б.
10. Холмўминов. Х.Э. Ўзбекистон жанубий вилоятларида тарихий- демографик жараёнлар (советлар ҳукмронлиги даврида миграция масалалари) –Тошкент:

Янги аср авлоди, 2011. – 136 б.

11. Ўз МА, Р- 86- жамғарма, 1- рўйхат, 3272- иш 78- варақ.

12. Ўз МА, Р- 86- жамғарма, 1- рўйхат, 3803- иш 175- варақлар.

13. ЎзР. МА. 837- ф. 33- рўйхат, 5753- иш 98- варақ.

14. 1926 йилги Бутуниттифоқ аҳоли рўйхати. Т.ХV – Москва, 1928. Б.8- 9.